

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
РЕНМИН УНИВЕРСИТЕТИ (ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ)**

**ЧИЖУ ЖУ**

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА  
АКТ/NGN-ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ  
УНУМДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ  
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**(Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги тармоғи мисолида)**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии ((PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of Doctor Philosophy (PhD) in  
Economic Sciences**

**ЧиЖУ ЖУ**

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида АКТ/NGN-технологияларини қўллаш  
орқали унумдорликни ошириш жараёнларини моделлаштириш ..... 3

**QiJu Zhu**

Modeling the process of increasing productivity through implementing  
ICT/NGN-Technology in Agriculture of Uzbekistan..... 27

**ЧиЖУ ЖУ**

Моделирование процесса увеличения производительности через  
внедрение ИКТ/NGN-технологий в сельском хозяйстве Узбекистана... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
РЕНМИН УНИВЕРСИТЕТИ (ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ)**

**ЧИЖУ ЖУ**

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА  
АКТ/NGN-ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ  
УНУМДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ  
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**(Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги тармоғи мисолида)**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Iqt32 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) университет веб-саҳифаси ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz))да ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))га жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Шодиев Турсун Шодиевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Хатамов Очилди Курбанович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Салимов Бахтиёр Таджиевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 233-64-21; факс: (99871) 233-60-01; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: ((99871) 239-28-27).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Ю. Ходиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**А.Н. Самадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Р.Х. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий этиш фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини оширади, катта ҳажмда ахборот тўплаш ва уни умумлаштириш имконини беради ва бошқаришни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар очиб беради. Ҳозирги даврда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра жаҳон миқёсида яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг тахминан беш ярим фоизи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келмоқда<sup>1</sup>. Тадқиқотлар далолат берадики, АКТ роли ошган сари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам ортиб боради. Жумладан, иқтисодиёт тармоқларида кенг йўлакли линияларнинг 10 фоизга ошиши ЯИМнинг ўсиш суръатини 1,4 фоизга оширади. Бу кўрсаткич Хитой Халқ Республикасида 2,5 фоизни ташкил этади<sup>2</sup>. Мобил алоқа орқали маълумотлардан фойдаланишни икки ҳиссага ошириш жаҳон миқёсида аҳоли жон бошига ЯИМни 0,5 фоиз ортишига олиб келади<sup>3</sup>. Демак хулоса қилиш мумкинки, АКТ иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар туфайли қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликлари ташкил этилди ва аграр тармоқда АКТ негизида замонавий бошқарув усуллари жорий этилмоқда. Ҳозирги пайтда АКТнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 1,9 фоизни ташкил этмоқда. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткични 10 фоизга етказиш режалаштирилган. Аммо қишлоқ хўжалигида АКТ ва Интернет тизимини бизнесни юритиш, маҳсулотларни экспорт қилиш ва ахборотни айирбошлашда қўллаш суут даражада. Уларга йўналтирилган инвестицияларнинг қайтими паст даражада қолмоқда. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги АКТга қилинган инвестицияларнинг тармоқдаги фан ва техника ривожига, фермер хўжаликлари ва қишлоқ жойларидаги шароитни яхшилашга катта хизмат қилади ва унинг қўлланишини кенгайтириш, тармоқни модернизациялашда асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланади. Бу эса қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастурларни амалга оширишда янги техника ва технологиялар, жумладан, АКТни қўллаш ҳамда уларнинг самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Жаҳонда АКТ ва уларнинг янги авлодларига (NGN) инвестиция қилишнинг самарасини оширишга доир муаммоларни илмий асосда ҳал этиш

---

<sup>1</sup> www.wb.org

<sup>2</sup> <http://broadbandtoolkit.org>

<sup>3</sup> <http://gsma.com/publicpolicy>

юзасидан илмий изланишлар давом эттирилмоқда, жумладан, ахборот коммуникация технологиялари (АКТ)га узоқ муддатдаги харажатларни нисбатан оширмай тармоқнинг интенсив ривожлантиришни таъминлаш, қишлоқ хўжалигини бошқариш сифатини ошириш, бошқарув методологиясини такомиллаштириш, унда инновацион тизимли таҳлил усуллари қўллаш, меҳнат унумдорлигини ошириш масалаларига эътибор кучайтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам АКТ ва уларнинг янги авлодини амалиётга жорий этиш, фермер хўжаликларини бошқариш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш функциялари, жумладан, Кобб-Дуглас функцияси қишлоқ хўжалигида харажатлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш орасидаги боғланишни ифодалаш, маржинал харажатлар ва маржинал даромадлар жиҳатдан ишлаб чиқариш ҳажмлари ва самарадорлигини аниқлашга имкон яратади. Бу эса мавзунинг долзаблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харажатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2013 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикасида миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ва мазкур соҳага тегишли Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва норматив ҳужжатларида белгиланган вазибаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот мавзуси республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ишлаб чиқариш функцияларини иқтисодий тадқиқотларда қўллашнинг айрим жиҳатлари хорижлик олимлардан Р.Солоу, С.Кобб ва П.Дуглас, Э.Хеди, Д.Диллон, К.Эчрвание, З.уе Гриличес, В.Дейл, М.Франк, Б.Фраумени, М.Парлинская томонидан тадқиқ этилган<sup>4</sup>.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари томонидан ишлаб чиқариш функцияларининг параметрларини ҳисоблаш, макродаражада тузиш ва таҳлил қилиш муаммолари Л.О.Бабешко, Н.Б.Баркалов,

---

<sup>4</sup>Solow, Robert M. Technological Change and the agricultural Production Function. MIT Press. 1957, p. 234; S. Cobb., E. Douglas. Production Function of USA... E. Heady. D. Dillon. Production Functions in Agriculture. R. Solow. Economic Growth and Technological Progress. Echrvarria Cristina. A three-factor agricultural production function: The case of Canada, University of Saskatchewan. // International Economic Journal, vol.2, Issue 4, pp34-45; Griliches, Zvi. // Agricultural production function. // The American Economic Review, vol. 4. issue1, pp. 231-246; Jorgenson, Dale W., Gollop, Frank M., and Fraumeni, Barbara M. Productivity and U.S Economic Growth; Harvard University Press, 1987, p. 256; Parlinska Maria. Applications of Production Function in Agriculture. Warsaw University of Life Sciences Press, 2003, p. 137

О.О.Замков., Ю.А.Черемних., В.Толстопятенко, В.А.Колемаев, И.Г.Гранберг, И.И.Елисеева тадқиқотларида кўриб чиқилган<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Республикасида эконометрик моделлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш муаммолари С.С.Ғуломов, Б.А.Бегалов, Б.Ю.Ходиев, О.М.Абдуллаев, С.К.Салаев, Т.Ш.Шодиев, А.Н.Арипов, О.К.Иминов, Х.А.Мухиддинов, А.Т.Кенжабаев, Н.О.Қаюмова, С.В.Чепел, Р.Х.Алимов, И.К.Жумаев, Б.К.Ғоибназаров, Н.М.Маҳмудов, Ш.Р.Холмўминов, Х.Г.Набиев, Ю.Мухамедов каби олимлар томонидан тадқиқ этилган<sup>6</sup>.

Аммо қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш функцияларини яратиш ва ахборот коммуникация технологияларига инвестициялашнинг самараси, жумладан, NGN-технологияларини қўллаш орқали унумдорликни ошириш жараёнини моделлаштириш масалалари чуқур ўрганилмаган. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш функциялари ва улардан иқтисодий таҳлил ва прогнозлашда фойдаланиш муаммоларининг серқирралиги мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш режасига мувофиқ «ФМ-9. Миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларига инновацион ахборот-коммуникация технологияларини самарали татбиқ этиш назарияси ва амалиёти» фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** янги NGN-технологияларга инвестициялашнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги инновацион тараққиётига таъсирини баҳолаш методологияси ҳамда тармоқ унумдорлигини оширишга қаратилган илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқариш функцияларини яратиш ва уларнинг параметрларини статистик баҳолашга ҳамда «харажатлар-маҳсулот» нисбатига жорий услубий ёндашувларни танқидий таҳлил қилиш;

---

<sup>5</sup> Бабешко Л.О. Основы эконометрического моделирования. Учебное пособие. – М.: КомКнига, 2010. – 452 с.; Баркалов Н.Б. Производственные функции в моделях экономического роста. – М.: изд. МГУ, 2008. – 768с.; Замков О.О., Черемных Ю.А., Толстопятенко А.В. Математические методы в экономике. – М.: Дело и сервис, 1995. – 267 с.; Колемаев В.А. Математическая экономика. – М.: Юнити, 2005. – 287 с.; Гранберг И.Г. Моделирование и прогнозирование экономических процессов. – М.: ЮНИТИ, 2008. – 368с.; Елисеева И.И. Эконометрика. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2006. – 455 с.

<sup>6</sup> Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика. –Тошкент: ТДИУ, 2002.; Абдуллаев А.М., Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш: иқт.фан.док. дисс. –Т.: ТДИУ, 2000.; Ходиев Б.Ю., Ишназаров А.И. Эконометрика. –Тошкент: ТГЭУ, 2007.; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш. иқт.фан.док. дисс. –Т.: ТДИУ, 2008.; Шадиёв Т.Ш. Экономические модели развития сельского хозяйства. –Ташкент: Фан, 1986, -156 с.; Арипов А.Н., Иминов О.К., Мухиддинов Х.А. Инфоиктисодиёт асослари. – Т., -2006. Кенжабоев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари: иқт. фан. док. Дисс. автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2005. - 42 бет.; Қаюмова Н.О. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланиш жараёни янги-сифат босқичининг эконометрик таҳлили. Иқт.ф.д...дисс.автореф. – Т.: ТДИУ, 2012, -42 б.; Чепел С.В. Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана. –Т.: ИПМИ, 2014.-316 с.; Алимов Р.Х. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Тошкент: ТДИУ, 2007.; Жумаев И.К. Фермер хўжаликлар ривожланиш тенденциялари ва истикболларини эконометрик башоратлаш Иқт.ф.д...дисс.автореф. -Т.: ТДИУ, 2012, -46 б.; Шодиев Т, Агзамов С.. Интернет тизими имкониятлари ва муаммолари. –Тошкент: Фан ва технология, 2006.

ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ривожланиш тенденциялари, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялашдаги «танглик» ларни аниқлаш;

ишлаб чиқариш жараёнидаги омилларнинг энг самарали таъсирини ҳамда тармоқнинг инновацион ривожланиш йўналишларини аниқлаш учун ИЧФни модификациялаш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулотлар ҳажми динамикаси ҳамда тармоқ иқтисодий ўсишига таъсир этувчи асосий омиллар ва манбаларни аниқлаш;

интенсив иқтисодий ўсишга барча омиллар, жумладан, ахборот коммуникация технологияларининг таъсирини баҳолаш;

АКТ/NGNнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири ва истикболда уларнинг қишлоқ хўжалиги инновацион тараққиётида кенг қўлланишини тадқиқ этиш;

хитойлик фермерларнинг агробизнесни юритишда АКТ/NGNдан фойдаланиш тажрибасини Ўзбекистон фермерлари томонидан қўллашга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги тармоғи олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** қишлоқ хўжалигида NGN технологияларини қўллаш орқали унумдорликни ошириш жараёнларини моделлаштириш муносабатлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотга қўйилган муаммонинг назарий асослари ва уларни ҳал этиш усуллари жумласига умумилмий тизимли, тизимли функционал, қиёсий таққослаш, эконометрик, иқтисодий-статистик таҳлил ҳамда қишлоқ хўжалигида АКТни қўллаш ёндашувлари ташкил этади. Дастлабки маълумотларни қайта ишлашда SPSS амалий дастурлаш пакети қўлланилди.

**Тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида АКТ/NGN технологияларини жорий этишнинг инвестициялаш механизми такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалигида АКТ/NGN технологияларига инвестициялашнинг тармоқ ривожини ва самарадорлигига омилларнинг нисбий ва мутлақ «соф» таъсири, ресурсларнинг маржинал унумдорлигини ифодаловчи математик модель ва оптимал ҳажмини аниқлаш услубияти такомиллаштирилган;

ишлаб чиқариш функциясининг таснифий белгиларини умумлаштириш негизда АКТ/NGN технологияларини муқобил инвестициялашнинг модели яратилган ва Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси такомиллаштирилган;

ишлаб чиқариш функциясида асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнини ифодаловчи нисбий кўрсаткич таклиф этилган;

таклиф этилган ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида узоқ муддатли инвестицион сиёсатни бошқариш модели яратилган.



**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

яратилган «харажатлар-маҳсулот» нисбатини баҳолаш услубиёти, Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ҳолатини тадқиқ этиш, тармоқ истикболини прогнозлаш, иқтисодий ўсишдаги интенсив ва экстенсив омилларнинг улушини аниқлаш методикаси яратилган;

қишлоқ хўжалигида ресурслар ўзаро алмашинувининг сўнгги чегараси ва маржинал унумдорлигини ҳисоблаш ва улар негизида белгиланган миқдордаги маҳсулотлар ҳажмини ишлаб чиқариш учун омилларнинг оптимал комбинациясини режалаштириш усули яратилган ва республика амалиётида қўлланилган;

қишлоқ хўжалиги ривожига моддийлашган фан-техника тараққиёти (Солоу қолдиғи) ҳамда АКТ/NGN ҳиссасини баҳолаш услубиётларини амалиётда кенг қўллаш тавсия этилган;

хитойлик фермерларнинг агробизнесни юритиш ва АКТга йўналтириладиган инвестициялар ҳажми ва таркибини оптималлаштириш тажрибасини Ўзбекистон фермерлари томонидан қўллашга қаратилган тавсиялар ваколатли ташкилотлар томонидан амалиётда қўлланилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш функциялари ва NGN технологияларини қўллаш орқали унумдорликни ошириш жараёнини моделлаштириш, тармоққа инвестициялашнинг самарасини аниқлаш методологиясини такомиллаштиришга оид тадқиқотларда манба тариқасида қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигининг узоқ муддатли ривожланишини бошқаришнинг назарий асослари ва моделини ишлаб чиқиш ҳамда комплекс дастурига методик тавсияларни яратиш, қишлоқ хўжалигида ахборотни қайта ишлаш ва ташқи бозорлардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нархлар конъюнктурасини ўрганиш жараёнида қўлланилаётганлиги, шунингдек, ишнинг айрим жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида бошқаришнинг назарий ва методик механизмларини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таҳлил қилиш, прогнозлаш ва бошқаришда қўллашнилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида АКТ/NGN технологияларини қўллаш орқали унумдорликни ошириш жараёнини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида АКТ/NGNни жорий этишнинг инвестициялаш механизмини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Вазирликнинг 2016 йил 11 октябрдаги 03/15-3280-сон маълумотномаси). Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида АКТ/NGN технологияларини жорий этиш Кобб-Дуглас функцияси орқали ҳамда эксперт баҳолаш ёрдамида ҳисобланганда йиллик ижтимоий- иқтисодий самара 6,4 млрд.сўмни ташкил этди;

қишлоқ хўжалигида АКТ/NGN технологияларига инвестициялашнинг тармоқ ривожини ва самарадорлигига омилларнинг нисбий ва мутлақ «соф» таъсирини, ресурсларнинг маржинал унумдорлигини ифодаловчи математик модель ва оптимал инвестиция ҳажмини аниқлаш услубияти Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Вазирликнинг 2016 йил 11 октябрдаги 03/15-3280-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалиги тармоғи учун яратган ишлаб чиқариш функцияси АКТ/NGN технологияларига жалб қилинадиган инвестициялар ҳажмини оптималлаштириш ва улар орқали ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш имконини берди;

ишлаб чиқариш функциясининг таснифий белгиларини умумлаштириш негизда АКТ/NGN технологияларига муқобил инвестициялаш модели ва Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясининг такомиллаштирилган варианты Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Вазирликнинг 2016 йил 11 октябрдаги 03/15-3280-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалигининг микро ва макро даражасида бошқарув органлари учун самарали қарорлар қабул қилиш, инвестиция жараёнларини амалга оширишда адекват ишлаб чиқариш функциясини танлаш, компьютер ёрдамида уни ҳисоблаш, таҳлил қилиш имконини берди.

ишлаб чиқариш функциясида асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнини ифодаловчи нисбий кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда фойдаланилган (Вазирликнинг 2016 йил 11 октябрдаги 03/15-3280-сон маълумотномаси). Таклиф этилган нисбий кўрсаткич қишлоқ хўжалигидаги жорий ва янгидан киритилувчи асосий фондларнинг нисбий самарадорлигини қиёслаш имконини берди;

таклиф этилган ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалигида узоқ муддатли инвестицион сиёсатни бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган модель Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Вазирликнинг 2016 йил 11 октябрдаги 03/15-3280-сон маълумотномаси). Таклиф этилган ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида узоқ муддатли инвестицион сиёсатни бошқариш механизмини такомиллаштириш модели 2004-2015 йиллардаги ўртача RATS кўрсаткичи 48.71 %ни,

2015 йилда 49 %ни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги ривожига фан ва техниканинг ҳиссаси 48,71 %ни ташкил қилди, Хитойда эса бу кўрсаткич 2015 йилда 56,2 %ни ташкил этди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуман, жумладан 2 та халқаро ва 8 та республика анжуманида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий мақола, шундан 6 таси халқаро ва 10 таси маҳаллий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Тадқиқот иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қишлоқ хўжалигида АКТ/NGN–технологияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услугиёти**» деб номланган биринчи бобида ишлаб чиқариш функциялари асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сифат ва миқдор таҳлилини қўллашнинг эволюцияси кўриб чиқилган. Тарихан Кобба-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси ишлаб чиқариш жараёнининг техник, технологик ва билимларни бошқаришни инобатга олмаган. Шунга қарамай, унга қизиқиш кенгайди, чунки функциянинг математик жозибадорлиги мавжуд ва у ишлаб чиқариш омиллари қайтимининг пасайишини ифодалайди.

Ишлаб чиқариш жараёнини моделлаштириш учун қуйидаги кўринишдаги функцияни қўлладик:

$$P(L, K) = bL^{\bar{b}}K^{\bar{v}},$$

бу ерда:

- $P$  – ялпи маҳсулот (бир йилда ишлаб чиқарилган товарларнинг пулдаги қиймати);
- $L$  – меҳнат сарфлари (йиллик жами киши-соатларнинг миқдори);
- $K$  – капитал харажатлари (жами жиҳозлар, машиналар ва биноларнинг пулдаги қиймати);
- $b$  – умумий омилларнинг унумдорлиги;
- $\bar{b}$  ва  $\bar{v}$  – ўз навбатида, меҳнат ва капиталнинг ялпи маҳсулотга нисбатан эластиклик коэффиценти. Бу қийматлар жорий технология шароитида ўзгармас деб қабул қилинади.

Ялпи маҳсулотга нисбатан эластиклик бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда қўлланилаётган меҳнат ва капитал даражасидаги ўзгаришга таъсирчанлигини кўрсатади. Масалан, агар  $b=0.15$  бўлса, унда меҳнат сарфларининг 1 %га ошиши ялпи маҳсулотни тахминан 0.15 % га оширади.

Иқтисодиётдаги татбиқида, агар  $b+v=1$  бўлса, унда ишлаб чиқариш функцияси ишлаб чиқариш кўламининг ўзгаришидан олинадиган самара доимий эканлигини кўрсатади. Яъни, агар  $L$  ва  $K$  20 %га ортса, ялпи маҳсулот -  $P$  ҳам 20 %га ортади.

Кўлам самараси ишлаб чиқаришнинг техник имкониятларига тегишли фикр ва у функцияга киритилган жами омилларнинг пропорционал ўзгартиргандаги ялпи маҳсулотнинг ўзгаришини ифодалайди (киритилган омиллар доимий коэффицентга кўпайтирилади). Агар ишлаб чиқариш ҳажми ҳам шу миқдорда кўпайса, кўламнинг қайтими доимий (CRTS) деб, ёки оддий кўлам қайтими деб аталади. Агар маҳсулот ҳажми омиллар ўзгаришига нисбатан камроқ бўлса, унда кўлам қайтимининг пасайиши (DRS), агар маҳсулот ҳажми кўпроқ бўлса кўлам қайтими ортади (IRS) деб қабул қилинади. Демак  $b+v<1$ , кўлам қайтими пасаювчи, агар  $b+v>1$  бўлса, кўлам қайтими ортувчи дейилади. Эркин рақобат шароитида  $b$  ва  $v$  меҳнат ва капиталнинг ишлаб чиқаришдаги улуши деб қабул қилиниши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларидан биридир. Мамлакат айрим иқтисодий афзалликларга эга: 17 миллион қишлоқ жойдаги аҳолидан 34 %и қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд (MAWR, 2008; Джалалов, 2006). Демак, қишлоқ хўжалиги қишлоқ аҳолиси учун асосий даромад манбаи бўлиб қолмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ҳайдаланадиган ерлар умумий ер майдонинг 10,1 %ни ташкил этади. Ҳозирги аҳоли сонини (32,5 миллионга яқин) инobatга олсак, ҳар бир аҳолига тўғри келувчи ҳайдаланадиган ер майдони ўртача жаҳон кўрсаткичидан паст, яъни умумий майдонининг 10,2 % (Жаҳон банки, 2015 йил<sup>7</sup>).

Диссертацияда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг натижавий кўрсаткичлари билан АКТ/NGNларнинг жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси ўртасида узвий алоқа мавжудлиги ҳақида гипотеза қабул қилинган.

Тадқиқот жараёни икки босқичдан иборат:

1-босқич. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги технологияларининг ҳиссасини (кейинчалик КВСТ) аниқлаш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида технологик ўзгартиришларнинг ҳиссасини аниқлаш учун Кобб-Дуглас функциясининг коэффицентлари ҳисобланди.

2-босқич. АКТ (NGN)га инвестициялаш ва КВСТ ўзаро алоқадорлиги ва корреляция коэффицентини ҳисоблаш. Бунинг учун анъанавий эконометрика усуллари қўлланилди. Таҳлил усули ва ахборот тўплаш кейинчалик баён этилади.

Ушбу бобда қишлоқ хўжалигига технологияларнинг таъсирини (BTC)

---

<sup>7</sup>The World Bank 2015, Arable land (% of land area), viewed 10 July 2011, <http://data.worldbank.org/indicator/AG.LND.ARBL.ZS>

баҳолаш учун Солоунинг қолдиқ назариясини қўлаймиз. Солоунинг қолдиғи – меҳнат унумдорлигининг иқтисодийётда йилдан-йилга ўсишини ифодаловчи кўрсаткич. Капитал ва меҳнат харажатларининг доимийлиги шароитида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ортишини Роберт Солоу меҳнат унумдорлигининг ортиши деб қабул қилган. Бу «қолдиқ» деб номланган кўрсаткич иқтисодий ўсишнинг бир қисми бўлиб, у анъанавий омиллар (ер ва меҳнат)нинг жамғарилиши туфайли юз бермайди. Солоунинг қолдиғи даврий боғланишни тасвирлагани туфайли у баъзан ишлаб чиқариш омилларининг умумий самарадорлиги деб ҳам аталади. Умуман, қишлоқ хўжалиги ривожига техниканинг ҳиссасини кўрсатувчи (BTC) коэффициент тармоқ ривожига, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатига технологик ўзгаришларнинг таъсирини, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги сиёсати, бошқаришдаги, хизмат кўрсатишдаги инновациялар, таъсирини кўрсатади. Уни қуйидаги тенглик орқали ҳисоблаймиз:

$$R_{ATC} = (R_{AGDP} - M_{IR} * Em - L_{GR} * \delta - L_{GR} * \epsilon) / R_{ATC}$$

Бу ерда:

$R_{ATC}$  – қишлоқ хўжалигидаги техник тараққиётнинг ҳиссасини ифодаловчи кўрсаткич;

$R_{AGDP}$  – қишлоқ хўжалигидаги ялпи маҳсулот ҳажмининг ортиши;

$M_{IR}$  – маҳсулот ишлаб чиқаришнинг моддий сарфларга нисбатан эластиклиги;

$Em$  – моддий сарфларнинг ўсиш суръати;

$L_{GR}$  – ишчи кучининг ўсиш суръати;

$\delta$  - маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ер ресурсларига нисбатан эластиклиги;

$L_{GR}$  – ер майдонларининг кенгайиш суръати;

$\epsilon$  – маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ер ресурсларига нисбатан эластиклиги.

Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқариш омилларининг функциядаги қийматлари қуйидагича: моддий сарфлар эластиклиги – 0,55, меҳнат – 0,20 ва ер майдони - 0.25.

RATC қишлоқ хўжалигидаги ривожланиш тенденцияси ва теологиялар янгиланишини таҳлил қилиш, узоқ муддатда меҳнат ва капитал сарфини такомиллаштириш ҳамда мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини шакллантириш учун жуда зарур. Биринчидан, маҳсулотнинг умумий эластиклиги Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида ҳисобланади. Бу усулда омилларнинг ҳақиқий сарфланиши қўлланилади, уларнинг балансидаги қиймати олинмайди. Бошқа жиҳатдан, биз RATCни ҳисоблашда бошқа омиллар ҳамда эластиклик ўзгармас деб қабул қиламиз ва бу ишлаб чиқариш функциясининг ўзгармаслигини ифодалайди. Аммо ишлаб чиқаришнинг таркиби ва ресурслар миқдори ўзгаради, демак омилларнинг эластиклиги ҳам ўзгаради.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш функцияси қўлланилганда иқтисодийётга таъсир этувчи бошқа иқтисодий ривожланиш омиллари: қишлоқ хўжалиги сиёсати, менежмент, амалиёт назорат қилиниши лозим, акс ҳолда RATC

кўрсаткичи «соф» кўринишда бўлмайди. Масалан, Хитой 1978 йилда ер ислохотини ўтказди, аммо илмий инвестиция сарфлари унча юқори бўлмади, демак бошқарувнинг такомиллаштирилиши маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ортишига сабаб бўлди. Бундай маҳсулот ортиши ва омилнинг таъсирини, бошқарув сиёсатининг такомиллашуви билан боғлаш зарур. Учинчидан, RATS – нисбий кўрсаткич ва у иқтисодий ўсиш бўлганда, капитал ва меҳнат сарфи ортганда, ортади. Агар қишлоқ хўжалигида бирор бир йил манфий ўсиш бўлса, технологияларнинг ҳиссаси мусбат бўлса, RATS ҳам манфий бўлади, бундай натижани изоҳлаш қийин. У ҳолда RATSни фан ва техника таъсири сифатида баҳолаш мушкул саналади.

Ниҳоят таъкидлаш жоизки, RATS–кўрсаткичлари турлича бўлиши мумкин ва улар қисқа муддатда эмас, узоқ муддатда кўпроқ яроқлидир. Дарҳақиқат, RATS кўрсаткичи қанча катта бўлса, шунча яхши, аммо ҳар йили ошмаслиги лозим. У кўрсаткич тебранувчи бўлиши мумкин, чунки фан, технологиялар ва уларнинг маҳсулотни ошириш ҳиссасида вақт мавжуд бўлиб, у узоқ муддатда натижа бериши мумкин. Бундан ташқари, уларнинг таъсири иқтисодий ўсиш даврлари ва фан тараққиёти билан боғлиқ. Фан тараққиёти уни тайёрлаш босқичини, қишлоқ хўжалиги ва жамиятга унинг ютуқларини жорий этиш учун вақт талаб этади. Дарҳақиқат, RATSни баҳолаш мураккаб, аммо фойдали вазифа. Жумладан, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт тараққиётида қишлоқ хўжалиги технологияларида янгиликлар пайдо бўлади, академия ва сиёсий доираларда қишлоқ хўжалигида фан ва технологияларни ривожлантиришда тармоқнинг маҳсулотини кўпайтириш, бозордаги унинг мавқеини оширишгина эмас, балки паст даромадлиликка қарши кураш учун ҳам керак.

Агар Кобб-Дуглас функциясини модификациялаштирак, у орқали қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётининг ялпи маҳсулотга таъсирини топиш мумкин.

Фан-техника тараққиёти кўрсаткичини ( $R_{stp}$ ) ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

$$R_{stp} = R_{AGDP} - M_{IR} * Em - L_{GR} * \delta - L_{GR} * v,$$

Бу ерда:

$R_{stp}$  – фан-техника тараққиёти кўрсаткичи;

$R_{AGDP}$  – қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўсиши;

$M_{IR}$  – маҳсулотнинг моддий сарфлар бўйича эластиклиги;

$Em$  – моддий сарфлар ўсиш суръати;

$L_{GR}$  – ишчи кучининг ўсиш суръати;

$\delta$  - маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ер ресурсларига нисбатан эластиклиги;

$L_{GR}$  – ер майдонларининг кенгайиш суръати;

$v$  – маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ер ресурсларига нисбатан эластиклиги.

Юқоридаги формула фан-техника тараққиётини ифодалаш учун яратилган ва у ўзида назорат қилиш ва бошқариш самараларини ҳам қамраб олади и асосий мақсад инвестициянинг самарасини ўлчашдаги хатолик-

ларни бартараф этувчи ишлаб чиқариш функциясини тузишдан иборат. Энг яхши яратилган Кобб-Дуглас функциялари жумласига олимлар (Фан, 1991; Лин, 1992; Хуанг и Розелле, 1995; Чжанг ва Картер, 1997) топган функциялардир. Айрим тадқиқотларда квази-транслог (Фан (1991), Фан и Пардей (1995)), шаклидаги функциялар вақт тренди билан омиллар ўзаро таъсирини ҳам ифодаловчи боғлиқликлар қўлланилган. Бу усулларни қўллаш мураккаб таҳлил усуллари ва эконометрик билимларни талаб этади ва жамоа шаклидаги қишлоқ хўжалиги тадқиқотларини олиб бориш уларга хосдир.

**Омилларнинг умумий самарадорлиги индекси (TFR).** Бу усул диссертацияда меҳнат унумдорлигига умумий техника тараққиётининг ҳиссасини ҳисоблаш учун қўлланилган. Уни ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

$$I_{TFR} = I_{API} (I_{MIP} * M_{P+} I_{LIG} * L_{P+} I'_{LIG} * L'_{P}),$$

Бу ерда:

$I_{TFR}$  – омилларнинг умумий самарадорлиги индекси;

$I_{API}$  – қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўсиш индекси;

$I_{MIP}$  – моддий харажатларнинг ўсиш индекси;

$M_{P+}$  – моддий харажатларнинг пропорцияси;

$I_{LIG}$  – меҳнат харажатларининг ўсиш индекси;

$L_{P+}$  – меҳнат харажатларининг ўсиш индекси;

$I'_{LIG}$  – ер майдонларининг ўсиш индекси;

$L'_{P+}$  – ер ресурслари харажатларининг пропорцияси.

Омилларнинг умумий самарадорлиги индексини ҳисоблаш усули харажатлар ёки фойда функцияси ёрдамида омилларнинг умумий самарадорлиги (маҳсулдорлиги)ни баҳолаш учун керак. Бу индекс қишлоқ хўжалигидаги самарадорликка қишлоқ хўжалиги фанининг таъсирини умумлаштиради. Назарий жиҳатдан бу функция сиёсий, технологик ва ижтимоий омилларнинг қишлоқ хўжалиги ҳолатига таъсирини ифодалайди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида АКТ/NGN технологияларини қўллаш амалиёти» деб номланган иккинчи бобида республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигига АКТнинг таъсири кўриб чиқилган.

Кейинги ўн йилликда АКТ/NGN жаҳонда тез суръатлар билан ривожланмоқда. NGNлар илгарига нисбатан маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни анча тежайди ва шу сабабли уларни ривожланаётган мамлактлар, жумладан, Ўзбекистонда кенгроқ қўллаш имконияти туғилмоқда. NGN технологиялари маълумотларни узатиш, овоз яратиш, мультимедиа ёзувларини ўша платформада ижро этиши мумкин. Бу имкониятлар 2005 йилгача мавжуд эмас эди.

Дарҳақиқат АКТларни қўллаш иқтисодий ўсишнинг маълум катализаторига айланди. АКТ чора-тадбирлар комплекси бўлиб, у электрон воситалар орқали ахборотни тасвирлаш, узатиш ва қайта ишлашни осонлаштиради (Эставилло, 2004). Демак, бундай жараён самараси қандай қилиб миллий иқтисодиётга таъсир қилишини билиш керак. АКТнинг ўзига

хос компонентларига аппарат, дастурий таъминот ва телекоммуникацион жиҳозлар киради (Кайсер, 2004). Нью-Йорк федерал захира банкининг ходими Стирохнинг (2002) таъкидлашича, АҚШ иқтисодининг кейинги ўн йилликдаги ривожига ўтган асрнинг 90-йилларидаги АКТга катта капитал маблағ сарфланишидир<sup>8</sup>.

Ўзбекистон мустақилликга эришгандан сўнг, айниқса кейинги 10 йилда, АКТ соҳасида катта ютуқларга эришди. NGN симли ва симсиз тармоқларда кенг қўлланилмоқда, АКТ мамлакатнинг 90% худудини қамраб олади, ахборотни узатиш тезлиги 2010 йилдаги 218 кб/с 2015 йили 2 мегабайтгача кўпайди. АКТ ва Интернетдан фойдаланувчилар сони ортмоқда. Интернетдан фойдаланиш, АКТнинг хизматлар, жумладан, овоз бериш, нархи ўртача ўзбекистонлик учун мос келади. Бошқа мамлакатлар, АҚШ, Европа ва Хитой сингари мамлакатлар NGN технологиялари Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашга тайёр. Ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) ҳамда уларнинг хизматлари ижтимоий ва иқтисодий қайта қуришларнинг кенг тарқалган воситасига айланди. Агар сиёсий қарорларнинг параметрлари тўғри белгиланса, улар меҳнат унумдорлиги, инновациялар ва ижтимоий фаровонликнинг платформасини яратади.

Кўпгина иқтисодий ўсиш тадқиқотларида учта самара ажратилади. Биринчи: АКТга инвестициялаш капитал неъмат тарзида умумий тараққиётга хизмат қилади ва меҳнат унумдорлиги ошишига хизмат қилади. Иқтисодий ўсиш Милес таъбири билан айтганда, миллатнинг кўпроқ товар ва хизматларни ишлаб чиқаришидир (Милес, 2001).

Иккинчи: АКТга тегишли товар ва хизматларни ишлаб чиқаришдаги технологик тараққиёт ўша секторда умумий кўпомилли самарадорликни (МФП) ошириши мумкин. Шу сабабли АКТлари компютерлашган тизим орқали қисқа муддатда товарлар ишлаб чиқариш имкониятини яратади. Хизматлар ҳам тез ва самаралироқ амалга оширилиши мумкин. Шундай қилиб, АКТни кенгроқ қўллаш фирмаларга умумий самарадорликни оширишга ёрдам беради ва у умумий кўпомилли самарадорликни (МФП) оширади. Бу ўсиш икки тарзда амалга ошиши мумкин (Милес, 2001):

1. Яхшироқ технология ва менежмент техникасини қўллаб, ер, меҳнат, капитал ва тадбиркорлик ресурсларини сарфлаш ҳажмини ошириш ҳисобига.

2. Меҳнат ва капитал унумдорлигини ошириш жараёнида мавжуд ресурслар маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига.

Бу хулоса АКТ иқтисодий ўсишни янада тезлатиш мақсадида мамлакат ривожини таъминлаш ва унда технологиялар роли мавжудлигини англатади. Биз қўлланилаётган технология деганда инсонларнинг муаммоларни ҳал қилишда ёрдам берувчи дастаклар, машина ва жараёнларни тушунамиз (Wikipedia, 2010).

---

<sup>8</sup> P.Bongo. 'The Impact of ICT on Economic Growth', Viewed 12 June 2011, <http://129.3.20.41/eps/papers/0501/0501008.pdf>



Тадқиқотлар далолат берадики, АКТ роли ошган сари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам ортиб боради. Масалан, Буюк Британияда 1990-1995 йилларда иқтисодий ўсишдаги АКТларнинг ҳиссаси 27 %ни ташкил этиб, реал ялпи маҳсулот 2,12 баробарга ортган. Бу кўрсаткичлар 1995-1999 йилларда, ўз навбатида, 47 % ва 3,48 баробарни ташкил этди. Демак хулоса қилиш мумкинки, АКТ иқтисодиётнинг ривожланиши, АКТга қилинган самарали инвестициялар ижобий ривожланишга олиб келади.

АКТ/NGNларнинг ахборот узатиш ва фойдаланишдаги самараси фермерларнинг ўз билимларини янгилаш, янги ишлаб чиқариш усулларини қўллаш, бозорлар ҳақида ахборот тўплаш ва зарур бўлганда шартномаларни ўзгартириш имкониятларида намоён бўлади. Ўзбекистон ўз даромад гуруҳидаги ва ўртача жаҳон кўрсаткичлари мамлакатларига нисбатан аҳолини мобиль ва интернет хизматлар билан таъминлашда улкан ютуқларга эришди. Ўз даромад гуруҳидаги мамлакатларга нисбатан мобиль алоқа абонентларини таъминлашда республикамиз пастроқ ва Ўзбекистонда абонентлар сони жаҳондагиларнинг 0,1 фоизини ташкил этади. Худди шу тенденцияни интернетдан фойдаланувчилар сони ҳақида ҳам кузатиш мумкин. Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар орасидаги кўпийўлаккли ва халқаро интернет трафиғи бўйича катта фарқ мавжуд.

Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПП-5898-сонли қарори қабул қилинди ва унда янги рақамли тизимларни яратиш, тараққий эттириш ва мувофиқлаштириш, ҳар хил операторлар, провайдерлар ва бошқарув тизимлари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш, шунингдек, фавқулотда ҳолатларда инсон ҳаётига хавфни пасайтириш мақсадида телекоммуникацион тармоқларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш амалга оширилди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда NGN мобиль ва доимий тармоқлардаги даражаси жаҳоннинг энг яхши технологияларига тўғри келади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон NGNни жорий қилишда ривожланган мамлакатлар, жумладан, АҚШ ва Европа мамлакатларига нисбатан баъзи устунликларга эга, чунки у тармоқда АКТни қўллашни юқори даражадаги технологиялардан бошлади, зикр қилинган мамлакатларда тармоқлар аналог/1G/2G тизимида яратилган. Келгуси авлод технологиялари (КАТ)/NGNлар ҳисобига тармоқда операцияларга сарфланувчи харажатлар тежалди.

Жаҳонда NGN пайдо бўлгунига қадар АКТ саноати битта платформада овоз алоқаси, маълумотларни узатиш ва шу тарздаги бошқа режимларни амалга ошириш имкониятидан маҳрум эди. КАТ технологиялари нафақат барча хизматларни бир ядрога жамлайди, балки юқори интеграция ҳисобига хизмат кўрсатиш нархини ҳам пасайтиради. 2000 йилда бир корпусли мобиль тармоқ сиғими 200 минг, 2005 йилда 2 миллионни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 20 миллионга тенг бўлди, яъни бу кўрсаткич муқобил тармоқдаги сиғимга тенг бўлди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда тўртта мобиль тармоқ оператори: UMS, Ucell, Билайн, Perfectum Mobile ва битта муқобил тармоқ Uztelecom ишлаб турибди. Уларнинг барчаси КАТ хизматини таклиф этиши мумкин.

UMS, Ucell, Билайн компаниялари GSM стандартини, Perfectum Mobile оператори CDMA технология-ларини қўллайди. Uztelecom муқобил тармоқнинг монополисти ҳисобланади ва у қишлоқ жойларида CDMA 450 ни қўллаб, мобил алоқа хизматини кўрсатиши мумкин, чунки 450 МГц тўлқини паст нархда катта майдонни эгаллаши мумкин. NGN-технологиялари IP-платформа негизида муқобил ва мобиль тармоқда ишлаш имкониятини яратади.

CDMA2000 ва CDMA450 стандартлари тадбиркорлар, истеъмолчилар ва жамият аъзоларига арзон ва кафолатланган, жумладан, таълим, телемедицина ва ижтимоий хавфсизлик хизматларини амалга ошириш имконини яратади. CDMA2000 1X энг юқори спектраль самарали ва сифатли телефон хизмати технологияси бўлиб, бирданига бир секторда 55 та овозли қўнғироқларни 1,25 МГц каналида амалга оширади. EV-DO эса тармоқдаги етакчи кўпийўлакчи технология бўлиб, бир секундда бир неча мегабайт тезликда ахборотни узатиш имкониятига эга ва у интернетга юқори тезликда кўпканалли кириш, иловаларни кўп адресларга тарқатиш имконини яратади.

Бу технология voice over IP (VoIP), push-to-talk (PTT), push-to-media (PTM), видеоконференциялар ва «see what I see» (SWIS) тўхташларга таъсирчан ҳисобланади. 450 МГц доирасидаги маълумотномалар катта ҳудудда кам сонли базавий станциялар орқали симсиз алоқалар хизматини ташкил этиш ва кўп миқдордаги капитал ва эксплуатация харажатларини тежаш имконини яратади. Базавий станцияларнинг қоплаш зонаси 450 ва 900 МГц га нисбатан, ўз навбатида, 3 ва 12 баробар кўп, яъни 8 ГГц ва 2,1 ГГц. Бунда сигнал/шовқиннинг нисбати энг қулай. CDMA450 тарқалиш характеристикалари уни идеал бириктиришни таъминлайди ва у 70 % симсиз кўпполосали уланишни таъминлайди. У кам узатишлар ҳисобига энергияни тежайди ва ўртача ўтказиш қобилиятини оширади.

Келгусида Ўзбекистондаги барча АКТлари IMS-тармоғига ўтказилади ва ҳозирги пайтда барча тармоқлар NGN/IMS га ўтказилмоқда, яъни жорий тармоқларнинг 50 %и олдинги PSTN/TDM/2G/PLMN тармоғида давом этмоқда. Умуман, янги тармоққа ўтиш миграцияси КАТ/NGN ривожлантириш учун TDMнинг уч усулини қўллайди<sup>9</sup>:


- «Орол» масаласини ҳал этиш ва TDM ва КАТ компонентларининг бир бирига устма-уст тушишини таъминлаш;
- TDM ва NGNлар компонентларининг умумий устма-уст тушушини таъминлаш ва келажакда тўлалигича NGN компонентига ўтиш;
- NGN компонентини TDM компоненти билан тўла алмаштириш узилиш ҳолатини ҳам инобатга олиш керак. Бу комплекс ёндашув ҳисобланади, чунки TDM ва КАТ архитектуралар «эквивалентлари» орасида тўла функционал тўлдириш ва функционал алмашинув мавжуд эмас. Жорий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ўзбек тармоқ ва хизмат кўрсатиш КАТи бир неча босқичда яратилмоқда: аввал магистрал тармоқ ва узеллар яратилиб, кейинчалик хизмат ва тармоқлар ривожлантирилмоқда. Қайта қуриш ишлари

---

<sup>9</sup> DEVOTEAM 2008.10, 'Migrations to NGN/IMS white paper', CONNECTING BUSINESS & TECHNOLOGY.

жорий хизмат кўрсатишга таъсир этмаган ҳолда амалга оширилади. Рискларни камайтириш мақсадида янги қурилиш ва инвестициялар босқичма-босқич амалга оширилади.

Кейинги йилларда мамлакат қишлоқ хўжалиги тизимида жиддий таркибий ўзгаришлар юз берди ва умумий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар ҳажми ортиб борди. 1996 - 2002 йилларда қишлоқ хўжалигининг ўсиш суръати ва ялпи маҳсулоти кенг доирада тебраниб турди. Аммо ерларни тақсимлаш ташаббусининг амалга оширилиши ва қишлоқ хўжалигига кўпроқ оилаларни жалб қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларини диверсификациялаш туфайли ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 2003 ва 2007 йиллар оралиғида анча кўпайди ва 1991 йилдаги даражага етди (1-расм).




1-расм. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсиш суръатлари<sup>10</sup>

Вақт ўтиши билан қишлоқ ерларида аҳолининг юқори даражада кўпайиш суръати ҳисобига қишлоқ аҳолисининг салмоғи ортиб бормоқда ва у 1990 йили 60 %ни ташкил этган бўлса, 2004-2006 йилларда 64 %га етди. Аҳоли бандлиги 1990 йилгача муқим 40 %лик даражада сақланиб турган бўлса, ўтиш даври бошланишида (1991-1993 гг.) 44 %га етди, кейинчалик пасайиш тенденциясига эга бўлди. Умумий бандликда қишлоқ хўжалигининг салмоғи 2012 йилга келиб 25,8 %ни ташкил этди (пасаювчи сариқ чизик). 2008 йилгача қишлоқ хўжалигидаги бандлик 40 % атрофида бўлди ва 2009 йилда у 27 %га тушиб қолди.


2008-2012 йиллар оралиғида банд бўлганларнинг сони қишлоқ хўжалигида 2,75 млн.дан то 4,34 млн.гача кўпайди, аммо бандлик салмоғи 27 %дан 25,9 %гача пасайди (2-расм).

<sup>10</sup> Жаҳон Банки статистикаси. [http://www.quandl.com/WORLDBANK/UZB\\_NV\\_AGR\\_TOTL\\_ZS-Uzbekistan-Agriculture-value-added-of-GDP](http://www.quandl.com/WORLDBANK/UZB_NV_AGR_TOTL_ZS-Uzbekistan-Agriculture-value-added-of-GDP).



2-расм. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ишчи кучи динамикаси<sup>11</sup>

2-расмдан кўришиб турибдики, қишлоқ хўжалигида ишчи кучининг ўсишида учта фазани кузатиш мумкин. Биринчи даврда (1991-1996 йиллар) ишчи кучининг ўсиш суръати 1991 йилда плюс 10 %дан 1992 йилги плюс 14 %гача ортади, кейин 1993 йили минус 6 % ва 1996 йили минус 10 %га тебраниб туради. Иккинчи босқич (1997-2007 йиллар) қишлоқ хўжалигидаги ишчи кучининг ўсиш суръати муқим 3 %ни ташкил этди. Учинчи босқич (2008 – 2014 йиллар) ўсиш суръати 1997 йилги 3 %дан 2008 йилги минус 35 %га пасаяди. 2010 ва 2011 йилларда бу кўрсаткич 4 % атрофида ва 2012 йили 26 %гача кўтарилди. Ўзбекистонда суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалиги ва бутун иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга. Биз тадқиқотимизда таҳлил учун суғориладиган ер майдонларини олдик (3-расм).



3-расм. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ерлари<sup>12</sup>

<sup>11</sup> Всемирный банк/ЦРУ и на сайте: <http://www.tradingeconomics.com/uzbekistan/agricultural-land-sq-km-wb-data.html>

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан интернет маълумотлари орқали тузилган.

Қишлоқ хўжалигидаги яна бир омил хомашё ва материаллар бўлиб, улар таркибига сувдан фойдаланиш, уруғликлар, трактор ва машиналар (хусусий ва ижарадаги), минерал ўғитлар сингари сарфлар, кимёвий пестицид ва гербицидлар) ташкил этади<sup>13</sup>. Қишлоқ хўжалиги техникаси деганда тармоқда календар йилда қўлланилувчи ғилдиракли ва занжирли тракторлар сони тушунилади.

